
ISSN: 2181-1741 (print)
ISNN: 2181-1725 (online)
2024 / № 3

FILOLOGIK TADQIQOTLAR:
TIL
ADABIYOT
TA'LIM



Philological research:
LANGUAGE, LITERATURE, EDUCATION

Филологические исследования:
ЯЗЫК, ЛИТЕРАТУРА, ОБРАЗОВАНИЕ

pholologicalresearch.uz

TERMIZ DAVLAT UNIVERSITETI

ILMIY-INNOVATSION JURNAL

ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

PHILOLOGICAL RESEARCH: LANGUAGE, LITERATURE, EDUCATION

FILOLOGIK TADQIQOTLAR: TIL, ADABIYOT, TA’LIM

ФИЛОЛОГИЧЕСКИЕ ИССЛЕДОВАНИЯ: ЯЗЫК, ЛИТЕРАТУРА, ОБРАЗОВАНИЕ

Илмий-инновацион журнал

Jurnal OAK Rayosatining 2022-yil 30-sentabrdagi 325/6-son qarori bilan filologiya fanlari bo‘yicha doktorlik dissertatsiyalari asosiy ilmiy natijalarini chop etish tavsiya etilgan ilmiy nashrlar ro‘yxatiga kiritilgan

2021-yildan buyon nashr etiladi

2024/ № 3

Termiz – 2024

Muassis:
Termiz davlat universiteti

PHILOLOGICAL RESEARCH: LANGUAGE, LITERATURE, EDUCATION

FILOLOGIK TADQIQOTLAR: TIL, ADABIYOT, TA'LIM

ФИЛОЛОГИЧЕСКИЕ ИССЛЕДОВАНИЯ: ЯЗЫК, ЛИТЕРАТУРА, ОБРАЗОВАНИЕ

ILMIY-INNOVATSION JURNAL

O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Administratsiyasi huzuridagi Axborot va ommaviy kommunikatsiyalar agentligi tomonidan 2020 yil 19 oktyabrda 1122 raqami bilan ro‘yxatga olingan. Matnlarda foydalanilgan misol, ko‘chirma va ma’lumotlar aniqligi uchun mualliflar javobgardir. Jurnaldan ko‘chirib bosilganda manba qayd etilishi shart.

Bosishga ruxsat etildi: 28.03.2024
Qog‘oz bichimi: 70x85
Bosma tabog‘i: 5.94
Ofset bosma. Ofset qog‘ozi
Adadi: 100
Bahosi kelishilgan narxda
Buyurtma: 155-son

«TerDU bosmaxonasi»da chop etildi
Termiz shahri, Barkamol avlod ko‘chasi, 43-uy

Tahririyat manzili:
190111, Termiz shahri,
Barkamol avlod ko‘chasi, 43.
Telefon: +998762231649

E-mail:
philologicalresearch@umail.uz

Rasmiy sayt:
https://journaltersu.uz

BOSH MUHARRIR:
Abduqodir TOSHQULOV, iqtisod fanlari doktori, professor

TAHRIR HAY’ATI:

Bekpo‘lat Umurqulov, filologiya fanlari doktori, professor (bosh muharrir o‘rinbosari)
Shoxista Maxmaraimova, filologiya fanlari doktori, professor (mas’ul muharrir)
O‘ral Xoliyorov, f.f.f.d. (PhD), dotsent (O‘zbekiston)
Olmos Ulviy Binnatova, f.f.d., professor (Ozarbayjon)
Karl Rayxl, f.f.d., professor (Germaniya)
Vali Savash yelok, f.f.d., professor (Turkiya)
Dorota Silviya, f.f.f.d. (PhD), dotsent (Polsha)
Muslihiddin Muhiddinov, f.f.d., professor (O‘zbekiston)
Ibodulla Mirzayev, f.f.d., professor (O‘zbekiston)
Abdi Mamatov f.f.d., professor (O‘zbekiston)
Suyun Karimov f.f.d., professor (O‘zbekiston)
Muhammadxon Hakimov, f.f.d., professor (O‘zbekiston)
Nafas Shodmonov f.f.d., professor (O‘zbekiston)
Dilmurod Quronov, f.f.d., professor (O‘zbekiston)
Baxtiyor Mengliyev, f.f.d., professor (O‘zbekiston)
Normat Yo‘ldoshev, f.f.n., dotsent (O‘zbekiston)
Abdulla Xudoyqulov, f.f.f.d. (PhD) (O‘zbekiston)
Bobonazar Murtazayev, f.f.n., dotsent (O‘zbekiston)
Asqar Eshmo‘minov, f.f.d., dotsent (O‘zbekiston)
Obidjon Shofiyev, f.f.f.d. (PhD), dotsent (O‘zbekiston)
Zafar Umurqulov, f.f.f.d., dotsent, (PhD) (O‘zbekiston)
Nurali Amonturdiyev, f.f.f.d. (PhD) (O‘zbekiston)
Hakim Ahmedov, f.f.f.d. (PhD) (O‘zbekiston)
Ahad Shukurov, f.f.f.d. (PhD) (O‘zbekiston)
Eshnazar Jabborov, f.f.f.d. (PhD) (O‘zbekiston)
Abdumurod Arslonov, f.f.f.d. (PhD) (O‘zbekiston)
Sirojiddin Turdimurodov, f.f.f.d. (PhD) (O‘zbekiston)
Umida Raximova, f.f.f.d. (PhD) (O‘zbekiston)
Gulchehra Begmatova, f.f.f.d. (PhD) (O‘zbekiston)
Shoira Amonturdiyeva, f.f.f.d. (PhD) (O‘zbekiston)
Nargis Kurbanazarova, f.f.f.d. (PhD) (O‘zbekiston)
Muyassar Xolova, f.f.f.d. (PhD) (O‘zbekiston)
Zaynura Qodirova, f.f.f.d. (PhD) (O‘zbekiston)

Texnik muharrir: Bahodir To‘raliyev

Учредитель:
Термезский государственный университет

PHILOLOGICAL RESEARCH: LANGUAGE, LITERATURE, EDUCATION

FILOLOGIK TADQIQOTLAR: TIL, ADABIYOT, TA'LIM
ФИЛОЛОГИЧЕСКИЕ ИССЛЕДОВАНИЯ: ЯЗЫК, ЛИТЕРАТУРА, ОБРАЗОВАНИЕ

НАУЧНО-ИННОВАЦИОННЫЙ ЖУРНАЛ

Зарегистрировано Агентством информации и массовых коммуникаций при Администрации Президента Республики Узбекистан от 19 октября 2020 года под номером 1122.

Авторы несут ответственность за точность приведенных в текстах примеров, отрывков и данных. Необходимо указывать источник при копировании из журнала.

Разрешено к печати: 28.03.2024
Размер бумаги; 70x85
Печатный лист: 5.94
Офсетная печать: Офсетная бумага
Тираж: 100. Цена договорная
Заказ: 155

Печатано в «Типографии ТерГУ»
ул. Баркамол авлод 43, г. Термез

Адрес редакции:
190111, г.Термез, ул. Баркамол авлод, 43.
Телефон: +998762231649

E-mail:
philologicalresearch@umail.uz

Официальный сайт:
https://journaltersu.uz

ГЛАВНЫЙ РЕДАКТОР:
Абдукадир ТАШКУЛОВ, доктор экономических наук, профессор

РЕДАКЦИОННАЯ КОЛЛЕГИЯ:

Бекпулат Умуркулов, доктор филологических наук, профессор (зам. главного редактора)

Шохиста Махмараимова, доктор филологических наук, профессор (ответственный редактор)

Урал Холияров, ф.ф.ф.д. (PhD), доцент (Узбекистан)

Олмос Улвий Биннатова, д.ф.н., профессор (Азербайджан)

Карл Райхл, д.ф.н., профессор (Германия)

Вали Саваш Елок, д.ф.н., профессор (Турция)

Дорота Сильвия, PhD, доцент (Польша)

Муслихиддин Мухиддинов, д.ф.н., профессор (Узбекистан)

Ибодулла Мирзаев, д.ф.н., профессор (Узбекистан)

Абди Маматов, д.ф.н., профессор (Узбекистан)

Суюн Каримов, д.ф.н., профессор (Узбекистан)

Мухаммадхон Хакимов, д.ф.н., профессор (Узбекистан)

Нафас Шодмонов, д.ф.н., профессор (Узбекистан)

Дилмурод Куронов, д.ф.н., профессор (Узбекистан)

Бахтиёр Менглиев, д.ф.н., профессор (Узбекистан)

Нормат Юлдашев, к.ф.н., доцент (Узбекистан)

Абдулла Худайкулов, д.ф.ф.н. (PhD) (Узбекистан)

Бобоназар Муртазаев, ф.ф.н., доцент (Узбекистан)

Аскар Эшмуминов, д.ф.н., доцент (Узбекистан)

Обиджон Шофиев, д.ф.ф.н. (PhD), доцент (Узбекистан)

Зафар Умуркулов, д.ф.ф.н. (PhD) (Узбекистан)

Нурали Амонтурдиев, д.ф.ф.н. (PhD) (Узбекистан)

Хаким Ахмедов, д.ф.ф.н. (PhD) (Узбекистан)

Ахад Шукуров, д.ф.ф.н. (PhD) (Узбекистан)

Эшназар Джаббаров, д.ф.ф.н. (PhD) (Узбекистан)

Абдумурод Арслонов, д.ф.ф.н. (PhD) (Узбекистан)

Сирожиддин Турдимуродов, д.ф.ф.н. (PhD) (Узбекистан)

Умида Рахимова, д.ф.ф.н. (PhD) (Узбекистан)

Гульчехра Бегматова, д.ф.ф.н. (PhD) (Узбекистан)

Шоира Амонтурдиева, д.ф.ф.н. (PhD) (Узбекистан)

Наргис Курбаназарова, д.ф.ф.н. (PhD) (Узбекистан)

Муяссар Холова, д.ф.ф.н. (PhD) (Узбекистан)

Зайнура Кадирова, д.ф.ф.н. (PhD) (Узбекистан)

Технический редактор: Баходир Туралиев

Institutor:
Termez State University

PHILOLOGICAL RESEARCH: LANGUAGE, LITERATURE, EDUCATION

FILOLOGIK TADQIQOTLAR: TIL, ADABIYOT, TA'LIM

ФИЛОЛОГИЧЕСКИЕ ИССЛЕДОВАНИЯ: ЯЗЫК, ЛИТЕРАТУРА, ОБРАЗОВАНИЕ

SCIENTIFIC-INNOVATIONAL JOURNAL

Registered by the Agency for Information and Mass Communications under the President's Administration of the of the Republic of Uzbekistan on October 19, 2020 under number 1122.

The authors are responsible for the accuracy of the examples, passages and data provided in the texts. The source must be specified when copying from the journal.

Approved for printing: 28.03.2024
Size of the paper: 70x85
Printed sheet: 5.94. Offset printing.
Offset paper. Circulation: 100
Price is negotiable
Order: 155. Printed at the «Printing House of the TerSU»
43, Barkamol avlod str. Termez city.

Address of Editorial Office:
190111, Barkamol avlod str., 43,
Termez city.
Phone: +998762231649

E-mail:
philologicalresearch@umail.uz

Official website:
https://journaltersu.uz

EDITOR IN-CHIEF:
Abdukodir TASHKULOV, doctor of economic sciences, professor

EDITORIAL BOARD:

Bekpulat Umurkulov, doctor of philological sciences, professor (Uzbekistan) (deputy chief editor)
Shohista Makhmaraimova, doctor of philological sciences, professor (Uzbekistan) (editor-in-chief)
Ural Kholiyorov, PhD, associate professor (Uzbekistan)
Olmos Ulviy Binnatova, doct.of philol. sciences, professor (Azerbaijan)
Karl Rayxl, doct.of philol. sciences, professor (Germany)
Vali Salvash Elok, doct. of philol. sciences, professor (Turkey)
Dorota Silvia, PhD, associate professor (Poland)
Muslihiddin Mukhiddinov, doct.of philol. sciences, professor (Uzbekistan)
Ibodulla Mirzaev, doct.of philol. sciences, professor (Uzbekistan)
Abdi Mmatov, doct.of philol. sciences, professor (Uzbekistan)
Suyun Karimov, doct.of philol. sciences, professor (Uzbekistan)
Muhammadkhon Khakimov, doct.of philol. sciences, professor (Uzbekistan)
Nafas Shodmonov, doct.of philol. sciences, professor (Uzbekistan)
Dilmurod Kuronov, doct. of philol. sciences, professor (Uzbekistan)
Bakhtiyor Mengliev, doct. of philol. sciences, professor (Uzbekistan)
Normat Yuldashev, cand.of philol. sciences, associate professor (Uzbekistan)
Abdulla Khudaykulov, PhD (Uzbekistan)
Bobonazar Murtazaev, cand.of philol. sciences, associate professor (Uzbekistan)
Askar Eshmuminov, doct.of philol. sciences, associate professor (Uzbekistan)
Obidjon Shofiev, PhD, associate professor (Uzbekistan)
Zafar Umurkulov, PhD (Uzbekistan)
Nurali Amonturdiev, PhD (Uzbekistan)
Hakim Akhmedov, PhD (Uzbekistan)
Ahad Shukurov, PhD (Uzbekistan)
Eshnazar Jabbarov, PhD (Uzbekistan)
Abdumurod Arslonov, PhD (Uzbekistan)
Sirojiddin Turdimurodov, PhD (Uzbekistan)
Umida Rakhimova, PhD (Uzbekistan)
Gulchekhra Begmatova, PhD (Uzbekistan)
Shoira Amonturdieva, PhD (Uzbekistan)
Nargis Kurbanazarova, PhD (Uzbekistan)
Muyassar Kholova, PhD (Uzbekistan)
Zaynura Kadirova, PhD (Uzbekistan)

Technical editor: Bakhodir Turaliyev

МУНДАРИЖА

TILSHUNOSLIK

БЕКПЎЛАТ УМУРҚУЛОВ
Бадиий нутқ – лингвистик тадқиқотлар манбаи 7

НЮБАР ХАКИМОВА
Традиционное врачевание или логманство,
концептуальные и практические направления 15

ПАНЖИЕВ НОРМАХМАТ ПАНЖИЕВИЧ
Синтагматика согласных фонем в узбекском языке
(На материале финальных двучленных сочетаний) 18

TURDIQULOV SHERZOD DUMINOVICH
Teolingvistik g‘oyalarning onomasiologik tadqiqotlarda aks etishi 23

САМАНДАРОВ РУСТАМ ДЎСЁРОВИЧ
Синтактик деривация жараёни ва аппликатив модел 25

TURDIMURODOV SIROJIDDIN ESHQOBILOVICH
Xususiyat, hajm-o‘lchov va hid bildiruvchi
evfemik birliklarning lingvistik xususiyatlari 29

АЛИМАРДАНОВ ЭЛЁР ИЛХОМ ЎҒЛИ
Хоразм диалектал зонасидаги ўзбек ва туркман тиллари
контактларини ўрганишнинг назарий асослари 32

SAATOVA SURAYYO ISMAILOVNA
O‘zbek tilida lisoniy shaxsni shakllantiruvchi ijtimoiy omillar 37

RAHIMOVA ZEBINISO SHOMANSUR QIZI
Jargonlar presuppozitsiyasi 41

TO‘YCHIYEVA ZULAYHO HAMRAQULOVNA
Zulfiya she’riyatida ayrim frazemalarning qo‘llanish xususiyatlari haqida 45

XUDAYBERGANOVA DILDORA KULMAMATOVNA
O‘zbek tilida zoonimlarning semantik-funksional tahlili
(Ogahiy asarlaridagi zoonimlar misolida) 49

М У Н Д А Р И Ж А

JO‘RAYEVA NASIBAXON G‘ANIYEVNA
Tarixiy asarlar leksikasida eskirgan so‘zlar tizimi 52

XAYDAROVA XURSHIDA
Takroriy taqlid so‘zlar klassifikatsiyasi
(Besh jildli o‘zbek tilining izohli lug‘ati asosida) 57

АНАХОН НАСУРИЛЛАЕВНА ВАПАЕВА
Периоды формирования новейших
слов в узбекском и русском языках 61

ADABIYOTSHUNOSLIK

ҚУРОНОВ ДИЛМУРОД ҲАЙДАРАЛИЕВИЧ
Адабиётшунослик терминларини ўзбекчалаштириш муаммолари 65

JABBOROV ESHNAZAR
Jahon ma’rifatchiligining sharqona tamoyillari 69

ҚУРОНОВ САЪДУЛЛО ДИЛМУРОДОВИЧ
Ўтиш даври романлари ва инсон концепцияси 71

Filologik tadqiqotlar: til, adabiyot, ta'lim. 2024; 3
ISNN: 2181-1741 (Print)
ISNN: 2181-1725

АДАБИЁТШУНОСЛИК ТЕРМИНЛАРИНИ ЎЗБЕКЧАЛАШТИРИШ МУАММОЛАРИ

Қуронов Дилмурод Ҳайдаралиевич,
Андижон давлат университети профессори,
филология фанлари доктори

Дарслик ва қўлланамалар муҳокамасига бағишланган кўрсатувни томоша қилиб ўтирибман: экспертлар орасида қизғин баҳс кетди, жуда муҳим масалалар кўтарилди, яхши фикрлар айтилди. Шу асно кўрсатувда меҳмон сифатида қатнашаётган бир талаба сўз олиб, *ҳозирда бизга тавсия этилган ўзбек тилидаги айрим дарсликларни тушуниш учун аввал ўзбекчага қайта таржима қилдириш керак* деб қолди. Талаба даъвом қуруқ бўлмасин деди шекилли, мана исботи дегандай қўлидаги китобларни нуқиб кўрсатди: не кўз билан кўрайки, кўрсатаётгани каминанинг муаллифлигидаги 1918 йилда чоп қилинган "Адабиёт назарияси асослари" дарслиги эди. Рости, бошимдан бир пақир муздек сув қуйиб юборилгандек бўлди десам, камлик қилади. Ахир, айни шу дарслик мутахассисларнинг яхши баҳосини олган, ўтган вақт ичида яна икки марта ўзимизда, бир марта қўшни Қозоғистонда босилди...

Мен талабанинг нега бундай фикрга келганини кўп мулоҳаза қилдим. Ўйлашимча, унинг эътирозини қўзғаган нарса – адабиёт назарияси бўйича тайёрланган дарсликда, табиийки, терминларнинг кўплиги бўлса керак, деган тўхтамга келдим. Дарвоқе, мазкур хулосага келишимга ижтимоий тармоқда дарсликнинг бошқа бир танқидчиси бўлмиш блогернинг *кўп катта ёзувчи ва шоирлар, машҳур мунаққидлар билан адабиёт ҳақида суҳбатлашгани, уларнинг адабиёт ҳақидаги теран фикрларини осон тушунгани ҳолда дарсликни тушунишга қийналганини* ёзгани бўлди. Гарчи блогер фикрлари менга мурожаат шаклида ёзилган бўлса-да, вақтида жавоб бермагандим, жавоб беришни лозим кўрмагандим. Сабаби, адабиёт ҳақидаги суҳбатларни тушунган одамнинг адабиёт назарияси бўйича дарсликни тушуна олмаслиги, табиий ҳол, бунинг ҳеч ажабланарли жойи йўқ деб биламан. Зеро, бунинг учун дарсликда ишлатилаётган терминлар маъносини билиш талаб этиладики, шу ҳолдагина ундаги мавзулар, қўйилаётгган масалалар моҳиятига кириб бориш мумкин бўлади. Дарслик (у 4-босқич талабаларига мўлжалланган) фойдаланувчиси эса терминларнинг кўпи билан 1-босқичда танишган ("Адабиётшуносликка кириш" фани доирасида); айримларини маъруза машғулотлари давомида фан ўқитувчисидан эшитиб билган, қолганларини эса терминологик луғатлардан фойдаланиб билиб олиши мумкин. Айтмоқчиманки, фан соҳалари бўйича дарсликларда терминларнинг кўп бўлиши табиий ва зарур, бу ўринда уларни тушунтириб ё таржима қилиб беришни, она тилимиз софлигини рўкач қилган ҳолда ўзбекчалаштиришни талаб қилиш тўғри эмас.

Ҳозирги ўзбек адабиётшунослиги иккита ирмоқдан сув ичади: бири Шарқ мумтоз адабиётшунослиги бўлса, иккинчиси рус (ва у орқали Ғарб адабиётшунослиги). Шунга кўра бугун адабиётшунослигимизда қўлланаётган терминлар ё *араб-форс*, ё *юнон-лотин-рус* асосларга эгадир. Яна бир жиҳати, мумтоз адабиёт бўйича тадқиқотларда *араб-форс* терминлари кўпроқ бўлса, замонавий адабиёт ё назарий характердаги ишларда иккинчи гуруҳ атамалари устувордир.

Мустақиллик арафаларидан бошлаб кўп диссертация муҳокамаларида қатнашиб келаман: деярли ҳаммасида даъвогар русча терминларни кўпроқ қўллагани камчилик сифатида айтиб ўтилади; авторефератларга ёзилган тақризларнинг қарийб ярмида ҳам шу нуқсон қайд этилади. Лекин қарийб ўттиз беш йил бўляпти экан, ҳали бир жиддий ўзгариш бўлмади. Бунинг эса ҳам объектив, ҳам субъектив сабаблари бор.

Объектив сабаб деганимиз терминларнинг илмий муомалани амалга оширишда муҳим омил, айтиш керакки, асос эканлиги билан боғлиқ. Тўғри қўлланган термин ифода этилаётган илмий фикрни ўқувчига аниқ етказиши билан аҳамиятлидир. Зеро, илм одами терминлардан фойдаланиб илм одами учун илмий фикр-хулосаларини ифодалайди. Шундай экан, бу – мулоқотнинг иккала иштирокчиси орасидаги иш, бас, соҳага бегона кишиларнинг бу масалага аралашуви дуруст эмас. Соҳамиздан бир мисол келтирай. Эсингизда бўл-

са, 90-йиллардан бошлаб илмий муомалада оммалашиб бўлган “образ” термини ўрнига “тимсол” термини фаол қўллана бошлади. Тилни тозалашга мойиллик кучлилигидан, иккинчи тарафи, дарсликлардан жой олгани сабабидан “тимсол” термини жуда тез оммалашди. Ўшанда балки кимлардир “тил кўниккач” ва тилдан фойдаланувчилар у ёки бу терминнинг ўрнида қайси сўзни қўллаш ҳақида “келишув”га эришгач, масала ҳал – энди фақат “тимсол” деб ишлатамиз экан, деб ўйлагандир. Лекин ундай бўлмади: тез орада яна “образ” термини фаоллашди, эришганимиз бу термин ўзининг арабий асосли синонимига эга бўлиб қолгани бўлди, холос. Хўш, нега шундай бўлди?

Адабиётшуносликка оид ишларда “образ” термини билан боғлиқ ҳолда “образлилик”, “образли тафаккур”, “образли ифода”, “образли тил”, “тилнинг образлилиги”, “автор образи”, “ровий образи”, “ўқувчи образи”, “табиат образи”, “образлар системаси”, “образ структураси”, “образли параллелизм” сингари атамалар ҳам қўлланади. Кўриб турганимиздек, “образ” сўзи семантик уяни ҳосил қилади ва уяга кирувчи атамаларнинг ҳаммаси учун маъно ядроси бўлиб хизмат қилади. Яъни мазкур атамалар маъноси “образ” сўзининг терминологик маъноси орқали рўёбга чиқади. Агарда биз “тимсол” сўзини ўринма-ўрин муомалага киритмоқчи бўлсак, у саналган терминлар таркибида “образ” сўзини бекаму кўст алмаштириши лозим бўлади. Бироқ амалда бундай бўлмади, адабиётшунослигимизда “тимсоллилик”, “тимсолли тафаккур”, “тимсолли ифода”, “тимсолли нутқ”, “бадиий нутқнинг тимсоллилиги”, “автор тимсоли”, “ровий тимсоли”, “ўқувчи тимсоли”, “табиат тимсоли”, “тимсоллар системаси”, “тимсол структураси”, “тимсолли параллелизм” каби атамалар деярли қўлланган йўқ. Сабаби бу бирикмалар таркибида “тимсол” сўзи доим ҳам “образ” сўзига эквивалент бўлолмайди. Масалан, “образли нутқ” дейилганда информацияни реципиент тасаввурида предметли тарзда жонланган манзаралар орқали етказувчи нутқ назарда тутилади. Айни шу тушунча “тимсолли нутқ” шаклида ифодаланса, “тимсол” сўзидаги “мисол” семаси устунлик қилиб қолади (“мисолли нутқ”, “мисоллар билан бойитилган нутқ” маънолари рўёбга чиқади) ва натижада ифодалаш кўзланган маънодан узоқлашилади. Аксинча, уя таркибида “образли нутқ” термини “образ” атамаси орқали “образлилик” терминига боғланади ва шу асосда ифодалаш кўзланган маънони воқелантиради. Маълум бўладики, уя таркибидаги ядровий маъно терминларнинг бир-бири билан боғланиши ва конкрет маънони юзага чиқаришига хизмат қилади. Шундай экан, термин ўзбекчалаштирилган ҳолда уядаги у билан боғлиқ барча ҳосила терминлар ҳам ўзбекчалаштирилиши лозим бўлади. Бунинг эса турли сабабларга кўра, биттасини юқорида кўриб ўтдик, имкони йўқ.

Ҳали кўп бўлгани йўқ, адабиётшунослигимизда “лирик шеър” деган терминни “рубобий шеър” шаклида алмаштиришга ҳаракат бўлди, ҳатто, бу атама айрим дарсликларда ҳам ишлатилди. Буни бежиз таъкидлаётганим йўқ, зеро, “дарсликда ишлатилди” дегани термин фан соҳасида умумэътироф этилганликни англатади, ҳартугул, идеалда шундай бўлмоғи керак. Фақат терминнинг қўлланиш доираси торлигича қолганидек, “умри” ҳам қисқа бўлди. Аввало, бу ҳол нега юз берганини мулоҳаза қилсак. Аяброқ айтсам, *бу ҳол айрим ҳамкасбларимизнинг масъулиятсизлиги, илмдаги “олифталиги” натижасида юзага келди***.** Адашмасам, термин Шавкат Раҳмоннинг “Рубобий шеър ёзсам...” деб бошланувчи “Иқрор” шеъридан адабиётшунослиқка кўчган. Албатта, шоир “лирик шеър” маъносини “рубобий шеър” бирикмаси билан ифодалашга тўла ҳақли, яна ҳам тўғрироғи, шу тарзда ифодалаш билан у кўнглидагини аниқроқ етказди ҳам. Бироқ шуниси борки, шеър матнида ҳар жиҳатдан маъқул – ҳам чиройли, ҳам маъно сиғими кенг ифода илмда тўмтоқроқ кўринавериши мумкин. Бу ҳам майли, терминни ўзгартиришга зарурат борми ўзи? Ўзгартиришга асос борми? Ахир “рубобий” дейилгани билан ўзбекчалашиб қолаётгани ҳам йўқ, “рубоб” сўзининг ўзи форсийдан эмасми?! Қадимги туркий мусиқа асбоби номи олинган бўлса ҳам бир нави, “хай, мақсад тилни тозалаш экан” десак?! Хуллас, қатъий айтиш мумкинки, дунё адабиётшунослигида ҳозирда қўлланиб турган ва соҳага алоқадорки кишиларнинг бари бирдек тушунадиган терминни “ўзбекчалаштириш”га мутлақо зарурат йўқ.

Иккинчи томони, юқорида кўрганимиз каби, “лирик шеър” атамаси ҳам адабиётшуносликдаги бутун бошли “уя”нинг вакили. Шундай бўлгач, ҳақли савол туғилади: агар “лирик шеър” атамаси “рубобий шеър” деб олинар экан, унда “лирика” терминининг ўзи “рубоб” бўладими? Шунақага ўхшайди. Шоир ва адабиётшунос Т.Қаҳҳор бир мақоласида Пушкиннинг “Ҳайкал” шеъри таржимаси ҳақида сўз юритаркан, “*Лира сўзини айримлар чолғу, соз, дея ўгиришади. Лирика сўзини рубобий шеър деб аташади*”[1]. Аввало, кўчирма “рубобий шеър” атамаси чиндан-да муомалада эканлигини кўрсатади, яъни бу ҳақда юқорида айтилганларни тасдиқлайди. Иккинчидан, бунда *“лирика” сўзини “рубобий шеър”* деб аташлари

[1] Қаҳҳор Тоҳир. Табиатдай гўзал бир ҳаёт // https://ziyouz.uz/ilm-va-fan/adabiyot/tohir-qahhor-tabiatday-guzal-bir-hayot.

айтиляпти, яъни сўз айни маънода қўлланганига кўп дуч келган одамгина шундай дейиши мумкин. Ҳолбуки, қадимги юнонлар чолғу асбоби (“лира”) номи асосида ясалган “лирика” термини асрлар давомида адабий асарларнинг алоҳида бир турини англатиб келади, шу сўзни эшитсаёқ адабиётга озми-кўпми алоқадорки одам гап нима ҳақида эканлигини англайди. Шуниси ҳам аниққи, бу сўз айни маъносида аллақачон ўзлаштириб олинган, ўзбек тилининг луғат бирлигига айланган. Шунақа экан, уни ўзбекчалаштиришга уриниш мутлақо ортиқча ишдир, акс ҳолда илмда ҳам, таълимда ҳам чалкашликлар, қийинчиликлар юзага келиши муқаррардир. Зеро, марказида “лирика” термини жой олган уяда яна: *“лирик қаҳрамон”, “лирик асар”, “лирик достон”, “лирик кечинма”, “лирик мушоҳада”, “лирик туйғу”, “лирик сюжет”, “лирик мотив”, “лирик чекиниш”, “лирик шоир”, “лирик композиция”, “лирик мен”, “лирик субъект”, “лирик наср”, “лирик тур”, “лирик туркум”* сингари йигирма-ўттизлаб терминлар борки, “рубобий” аниқловчиси уларнинг таркибига доим ҳам “чокини сездирмай” сингишиб кетавермайди. Хўп, боринг ана, мазкур терминларда “лирика” сўзини “рубобий” сўзига зўрлаб алмаштирайлик, кун келиб тилимиз кўникар ҳам. Лекин булардан бошқа, таркибида “лирика” сўзи сифатловчи бўлган бирикмали терминларда қандай қиламиз? Яъни, масалан, “фалсафий лирика”, “интеллектуал лирика”, “воқеабанд лирика” каби яна йигирмалаб-ўттизлабини санаш мумкин бўлган терминларда? Ҳар ҳолда, “фалсафий рубобий” деб бўлмаслиги аниқ, “фалсафий рубоб” десак яна...

Айримлар ғарбдан ўзлашган термин ўрнига мумтоз адабиётшуносликда қўлланган истилоҳни қўллаш керак, шунда масала ҳал бўлади қолади, деб ўйлашади. Бу ҳам у қадар тўғри эмас. Сабаби, биринчидан, терминларни қўллашда мумтоз адабиётшуносликда ҳам турличалик, яъни бир истилоҳни турли маъноларда қўллаш бор. Масалан, кўчим (троп) турларидан бирини назарда тутган ҳолда “метафора” ўрнига “истиора” терминини ишлатса бўлади. Муҳими, мумтоз адабиётшуносликда истилоҳни айни шу маънода қўллаш амалиёти мавжуд: “Мажознинг турли навлари бордур. Жумладан, истиора улдурким, ясоқ ва ирода этилган маъно орасида алоқа ўхшашликдур”[1]. Шу билан бирга “истиора” истилоҳи тамом аксинча маънода ҳам қўлланган: “Рашид-и Ватвот дептур: бу санъат андоқ бўлурким, бир лафзнинг ҳақиқий маъноси бўлур, котиб ёки шоир ул лафзни ул ҳақиқий маънодан кўчирур ва орийят йўли била ўзга бир ерда ишлатур. Бу таърифтин маълум бўлурки, ул мажознинг барча навларини истиора деб атаптур”[2].

Маълум бўладики, “мажоз” сўзи мумтоз адабиётшуносликда умуман *кўчим* маъносида, яъни барча кўчимларнинг умумлашма номи сифатида ҳам ишлатилган. Яъни, бу маъносида у ҳозирги адабиётшуносликда мутлақ синоним саналувчи “кўчим” ва “троп”га тўғри келади. Бундан ташқари, “мажоз” истилоҳи ҳозирги адабиётшуносликдаги “рамз” (символ”) термини ўрнида қўлланган, замонавий адабиётшуносликда у “аллегория” маъносида ҳам фаол ишлатилишини қўшинг. Хуллас, тавсифланган терминологик вазиятда “истиора” истилоҳи фақат тор маънода, кўчим турини англатувчи “метафора”га синоним сифатидагина қўлланиши ўзини оқлайди, бошқача ҳолларда мавжуд чалкашлик янада чуқурлашади. Иккинчидан, эҳтимол шуниси муҳимроқ ҳамдир, ғарб адабиётшунослигидан ўзлашган ва фаол қўлланувчи терминлар маъноларини мумтоз адабиётшунослик истилоҳи доим ҳам тўла қопламайди. Дейлик, “образнинг метафориклиги” тушунчаси адабиёт назариясида ғоят муҳим саналади. Бироқ мумтоз адабиётшуносликда у алоҳида илмий категория ўлароқ кўрилмаган, шу сабабли уни ифодаловчи махсус термин ҳам бўлмаган. Метафориклик кенг маънода бир нарса-ҳодиса моҳиятини иккинчи нарса-ҳодиса орқали очишни англатиши ҳисобга олинса, “метафориклик” хусусиятини луғатда “қарзга олмоқ” (яъни, сўз шаклини бошқа маъно ифодаси учун қарзга олиш) маъносига боғланувчи “истиора” сўзи билан ифодалаш мушкул. Шунга ўхшаш, “метафора” бадиий тафаккур механизмларидан бирини англатган ҳолатда ҳам “истиора”га алмаштириш тўғри бўлмайди. Модомики терминни барча ҳолатларда алмаштириш мумкин эмас экан, демак алмаштиришга уринмаган маъқулроқ. Зеро, “метафора” термини мисолида айтганларимиз акс ҳолда илмий муомалада чалкашликлар келиб чиқади дейиш учун, бизнингча, етарлидир.

Шунга яқин ҳолат кўпинча юқорида “метафора” атамаси билан ёнма-ён қўлланувчи “метонимия” термини мисолида ҳам кузатилади. Мазкур термин кўчимнинг нарса-ҳодисалар орасидаги алоқадорлик асосида воқеланувчи бир турини англатади. Атоуллоҳ Ҳусайнийга кўра кўчимнинг бу турини мумтоз адабиётшунослигимизда “киноя” деб аталган. Унга кўра киноя “...андин ибораттуркким, бир маънони анга лозиму тобиъ маъно учун ясалған лафз ила ул тарзда таъбир қилурларким, агар ул лафзнинг ўз ясоғин ирода қилсалар ҳам раво бўлур…” Давомида муаллиф мазкур таъ-

[1] Атоуллоҳ Ҳусайний. Бадойиъус саноиъ. – Тошкент, 1981. – Б. 219.

[2] Атоуллоҳ Ҳусайний. Ўша китоб. – Б. 220.

рифни “фазл арбоби қошиға кўп бориб келмак анга лозиму тобиъ бўлған кўп кафш йиртмоқ била таъбир этилиптур...”[1] мисоли билан изоҳлайди. Яъни кўп бориб келиш натижасида кавш йиртилишига асосланиб, бу тушунчаларнинг алоқасига таянга ҳолда “кафш йиртмоқ”ни “кўп қатнамоқ” маъносида ишлатилган. Шундан келиб чиқсак, киноя алоқадорлик асосидаги кўчим тури деб тушунилгани маълум бўлади. Сал илгарироқ, ташбиҳи киноятга таъриф бериш асноси, Ҳусайний киноянинг луғавий маъноси “бир нимани дерлар, лекин андин ўзга нимани ирода қилурлар”[2] деб айтадики, бу маъносида у “кўчим” терминига маънодош бўлади. Ҳозирги адабиётшуносликда 1) киноя термини тескари ўхшатишга асосланган кўчим маъносида қўлланади. Шунингдек, 2) киноя нутқ предмети ёки тасвир объектига муносабат шаклини ҳам англатадики, бу ҳолда у комикликнинг бир кўриниши ўлароқ тушунилади. Ниҳоят, ҳозирда 3) киноя термини бадиийлик модусларидан бирини ҳам англатадики, айни маънони бошқаларидан фарқлаш учун кўпинча киноявийлик шаклида ишлатиляпти. Тавсифланган ҳолат “метонимия” терминини мумтоз адабиётшуносликдаги “киноя” истилоҳи билан алмаштиришни мақсадга номувофиқ этади.

Айтилганлар терминларни ўзбекчалаштиришга мутлақо қаршилик деб тушунилмаслиги керак. Зеро, зарур ва мумкин ўринларда бу ишнинг амалга оширилиши ҳам тилимиз софлигини таъминлашда, ҳам замонавий ўзбек илмий тилини ривожлантиришда жуда муҳим. Илм оламида миллий тиллар мавқеи бой берилиб, инглиз тилининг мутлақ ҳукмронлиги қарор топаётган бугунги кунда ўзбек тилида долзарб мавзудаги илмий мақолалар ёзилиши, монографиялар ва тадқиқотлар яратилиши жуда муҳим. Фақат улар ўзбек тилининг синтактик қолипига солинган турли ўзлашма сўзлар қоришмасидан иборат бўлмаслиги, аксинча, соф ўзбекча ва “ўзбеклашган” сўзлардан таркиб топмоғи лозим. Бунинг учун эса терминларни ўзбекчалаштириш ишлари изчил йўлга қўйилиши зарур. Юқоридаги мулоҳазаларимиз эса, бу ўта муҳим ишни пухта ўйлаб амалга ошириш зарурлиги, тилшунослар билан турли фан соҳалари мутахассисларининг биргаликдаги ҳаракатигина муваффақиятга олиб келиши мумкинлигини кўрсатади.

Resume. During the years of independence, the scientific style of the Uzbek language also developed noticeably. Dissertations and scientific articles on various branches of science began to be written in Uzbek, which revealed many problems, including issues of terminology. The article deals with the problems that arise during introducing Uzbek alternatives for the literary terms and a set of complex issues which appear in this process.

Резюме. В годы независимости заметное развитие получил и научный стиль узбекского языка. На узбекском языке стали писаться диссертации и научные статьи по разным отраслям науки, что выявило множество проблем, в числе которых и вопросы терминологии. В статье речь идет о проблемах, возникающих при узбекизации литературоведческих терминов.

[1] Атоуллоҳ Ҳусайний. Ўша китоб. – Б. 221.
[2] Атоуллоҳ Ҳусайний. Ўша китоб. – Б. 213.